

ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ЎРНИ

Одилова Дилноза Барнаевна

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7382029>

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ривожланган мамлакатларда ЯИМда товар ишлаб чиқаришнинг улушини камайиши ва хизматлар соҳасини улушини ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Ўтган асрнинг охирида янги ахборот технологияларининг жорий этилиши ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашувига, хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенгайишига ва унинг янги фаолият турларининг пайдо бўлишига олиб келди. Хизматлар мазмуни ва уларнинг иқтисодиёт ва жамиятдаги аҳамияти ўзгариши юз берди, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари билан хизмат кўрсатиш соҳаси ўртасидаги алоқадорлик ошди, унинг маҳсулоти тобора саноат тармоқларига интеграция қилиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсирини ўрганиш долзарб ва амалда муҳим вазифа эканлиги аён бўлади.

Бугунги глобаллашув даврида хизматларнинг мазмуни, уларнинг талқини, шахс ва иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқаришидаги роли вақт ўтиши билан сезиларли даражада трансформациялашиб бормоқда. XX-асргача хизмат кўрсатиш соҳаси мустақил ҳолда тўлиқ ўрганилмаган ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш доирасидан деярли бутунлай чиқариб ташланган эди. Меркантилизм мактаби вакиллари ташқи савдо ва қимматбаҳо металлар қазиб олишни бойлик манбаи деб билишган. Шунга кўра, уларнинг нуқтаи назарига кўра фақат олтин ва кумуш қазиб олишда ишлайдиган меҳнат унумдор деб ҳисобланган. Физиократлар (Ф.Кенэ асосчиси) қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатни унумли деб ҳисоблашган, чунки бу мактаб вакилларининг фикрича, саноатда соф маҳсулот яратилмайди ва қишлоқ хўжалигидан фарқли ўлароқ, “унумсиз саноат” ҳисобланади. В.Петти ва А.Смит классик сиёсий иқтисод мактабининг асосчилари бўлиб, меркантилистлар ва физиократларга хос бўлган тармоқ ёндашувидан узоқлашиб, иқтисодиётни бир бутун сифатида кўриб чиқишга ўтдилар.

Кейинчалик иқтисодда неоклассик йўналишнинг асосчиси ҳисобланган А.Маршалл асарларида унумли меҳнат ва мувозанат нархларини ўрнатиш механизми ҳақидаги қарашлари ривожлантирилди. Маршалл объектив ва субъектив фойдалилик (қиймат) тушунчаларини ишлаб чиққан Австрия мактаби вакиллари эргашиб, ишлаб чиқариш

жараёнида моддий буюмлар эмас, балки фойдалилик яратилади, деб ҳисоблаган ва шунинг учун меҳнатни унумли ва унумсиз меҳнатга ажратмаган, чунки иккала соҳада ҳам фойдалилик яратилади. Шундай қилиб, Маршалл бутун неоклассик йўналиш инсон хатти-ҳаракати ва танловининг микроиқтисодий жиҳатларига эътибор қаратиб, классик мактабнинг яъни унумли меҳнат фақат капитални такрор ишлаб чиқарадиган, фойда келтиради деган асосий постулатини инкор этиб, ишлаб чиқариш мақсади истеъмолдан, яъни эҳтиёжларни қондиришдан иборат эканлигини илгари суради. Шундай қилиб, истеъмолчи сифатида инсоннинг иқтисодий ролини англашга босқичма-босқич ўтишни кузатиш мумкин, унинг мотивлари ва имтиёзлари, талабни шакллантириш, товарлар нархига таъсир қилади, мос равишда ишлаб чиқариш харажатлари билан бир қаторда тадбиркорлик фойдасини белгилайди.

Ўзбекистонлик олимлардан А.Ўлмасов ва А.Ваҳобов ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда ижтимоий соҳасининг ролини инсон эҳтиёжлари нуқтаи назаридан очиқ беради. “Инсон учун аҳамиятига қараб бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжлар бўлади... Иккиламчи эҳтиёжлар – бу кўпинча номоддий, яъни ижтимоий эҳтиёжлар бўлади, бунга билим олиш, малака ошириш, даволаниш, дам олиш уаби эҳтиёжлар киради. Аммо иқтисодиёт ривожланиб, мўл-кўлчилик бўлган шароитда моддий эҳтиёжлар қондирилган бўлиб, ижтимоий эҳтиёжлар биринчи ўринга чиқади”. Хизмат кўрсатиш соҳасининг саноат секторидан устувор бўлишининг глобал тенденцияси Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам хосдир, бироқ Ўзбекистонда бу тенденция муайян ўзига хосликлар билан ажралиб туради. Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ўсиши моддий ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва меҳнат ресурсларининг хизмат кўрсатиш соҳасига оқиб ўтиши натижасида, Ўзбекистонда эса хизмат кўрсатиш соҳасининг устунлиги саноатнинг ўсиш суръатларини пасайиши ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш тенденцияси билан юз берди.

Бугунги кунда ва яқин келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш борасида олдимизда қатор стратегик вазифалар турибди. Уларнинг барчаси устувор аҳамиятга эгадир. Ўтган давр мобайнида бозор иқтисодиёти механизмларини модернизация қилиш, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, миллий иқтисодиётнинг инвестицияларга бўлган талабини қондириш, бозор муносабатлари субъектлари фаолиятини эркинлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Шундай қилиб, вақт ўтиши билан хизмат кўрсатиш соҳасининг билим талаб қиладиган тармоқлари тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўла бошлади, бу ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг трансформациясининг акси бўлиб, бунда фақат жисмоний капитални жамғариш орқали иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмас эди. Учинчи саноат инқилоби шароитида билим асосий маҳсулотга айланганда, инсон салоҳиятини оширадиган, илмий-тадқиқот соҳаси ва таълим каби махсус маҳсулот ишлаб чиқаришни бевосита оширувчи омилларни жамғариш зарурати ўсиб бормоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar: